

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 621.73

НОМАНЖОНОВ СОХИБЖОН НОМАНЖОН ЎҒЛИ


“UZ-HANWOO ENGINEERING” ҚҚ шароитида замонавий технологиялар
асосида технологик ускуналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга тадқиқ
этиш.

5A320201-“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА
ЖИҲОЗЛАРИ”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:



т.ф.н. Отакулов О.Х.

Фарғона-2018 йил

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НОМАНЖОНОВ СОХИБЖОН НОМАНЖОН ЎҒЛИ

“UZ-HANWOO ENGINEERING” ҚК шароитида замонавий технологиялар
асосида технологик ускуналарни лойихалаш ва ишлаб чиқаришга тадқиқ
этиш.

5A320201-“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ”


Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Дастлабки ҳимоя натижасига кўра расмий ҳимоя қилиш учун тавсия этилди,
баён № _____

“ 29 ” 06 2018 йил

Кафедра мудир:


 Тешабоев А.А.

Илмий раҳбар:

 Отакулов О.Х.


“ 29 ” 06 2018 йил

Ташқи тақризчи:

 Абдуражабборов О.


“ 29 ” 06 2018 йил

Ички тақризчи:


 Файзиматов Ш.Н.

“ 29 ” 06 2018 йил

Магистратура бўлим бошлиғи:

 Усманов Б.С.

“ 29 ” 06 2018 йил



“UZ-HANWOO ENGINEERING” ҚК МЧЖ шароитида замонавий технологиялар асосида технологик ускуналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ.....	12
1.1. Штампларнинг хизмат вазифаси, материаллари ва аниқлик талаблари.....	12
1.2. Машинасозлик корхонасида фойдаланилаётган штампларнинг иш унумдорлигини таҳлили	17
1.3 Штампларни лойиҳалашнинг мавжуд бўлган методларини анализ қилиш.....	20
II БОБ ТАДҚИҚОТ МЕТОДИКАСИ ВА ИШНИНГ АМАЛИЙ ҚИСМИ.	30
2.1 “Енгил автомобил орқа эшикнинг пастки ўнг/чап панеллар бирлаштиргичи” деталининг тайёрланиш технологик жараёни	30
2.2 “Заготовкани кесиш” операциясининг параметрлари ҳисоби.	34
2.3 Жихоз танлаш, штампнинг босим марказини аниқлаш.....	38
III БОБ ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ РЕЖАЛАРИ БАЁНИ.....	68
3.1 Штампларнинг блок схемаси.....	68
3.2 Штампнинг ички қисмларини лойиҳалаш.....	75
3.3 Яратилган маълумотлар базасидан деталларни юклаш.....	79
ХУЛОСА	82
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	84

КИРИШ

Машинасозлик ишлаб чиқаришда юқори технологик самарадорликка эга бўлган, кенг тарқалган совуқ ҳолда листли штамплаш ҳисобланади. Листли штамплаш орқали турли ясси деталларни листлик материалларни заготовка сифатида фойдаланиб ишлаб чиқариш мумкин. [3]

Листли штамплаш деталларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ўз ўрнини топган. Совуқ ҳолда листли штамплашнинг саноатда татбиқ қилишни ўсиб боришини таъминлайдиган ютуқлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:[3]

1. Металлга ишлов беришнинг бошқа усулларида олиб бўлмайдиган минимал даражадаги металл сиғимидан фойдаланиб детал тайёрлаш имконияти (хатто чиқиндисиз штамплаш).
2. Ўзаро алмашувчанликни таъминлайдиган штампланаётган деталларнинг юқори аниқлиги.
3. Кесиш билан ишлов беришнинг минимумга қадар таъминлайдиган штампланган деталлар юзаларининг сифатлилиги.
4. Штамплаш орқали олинадиган деталларни турли қисмларида муқобил ва ҳар хил механик хоссаларга эга бўлиш имкони.
5. Массаси ва конструкцияси бўйича енгил, аммо чидамли ва қаттиқ деталларни олиш имконияти.
6. Ялпи ишлаб чиқаришга мосланувчанлиги.
7. Паст энергия талаби.
8. Қўл меҳнати орқали узатма бўлганда ҳам нисбатан юқори меҳнат самарадорлилиги.
9. Листли штамплаш жараёнини автоматлаштириш ва механизациялашнинг нисбий соддалиги.
10. Маҳсулот таннархи пастлиги.

Ишлаб чиқаришга тайёргарликнинг барча босқичларида технологик муаммоларни комплекс ҳал этиш эвазига таъминланадиган листли штамплаш технологиясидан фойдаланиш энг юқори натижа.

Майда ва ўрта катталиқдаги деталларни листли штамплашда комбинирланган штамплаш муҳим ўрин тутди. Пресс-автоматлардаги кўп позициялик штамплаш комбинирланган штамплашнинг турли кўринишлардан ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида кетма-кет бир нечта операцияларни бажарувчи кўп позициялик штамплар пресс автоматларга ўрнатилади. Тасмадан ёки заготовкадан штамплаш амалга оширилади.

Кўп позициялик пресс автомат қиймати оддий бир позициялик прессларга нисбатан сезиларли баланд, бироқ унинг ялпи ёки кўплаб ишлаб чиқаришда узок бўлмаган муддат ичида ўзини иқтисодий оқлайди. Оддий бир позициялик пресслар қаторида кўп позициялик пресс автоматлардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- Сезиларли даражада ишлаб чиқариш майдонини қисқартириш;
- Энергия сарфини камайтириш;
- Дастгоҳга хизмат кўрсатиш сарфини камайтириш;
- Прессдан прессга заготовкларни ва яримтайёр маҳсулотларни ташишда тежаш.

Кўп позициялик пресс автоматлар алоҳида штамплашда учрайдиган маҳсулотларнинг нуқсонларини камайтишини таъминлайдиган якуний ишлов беришда олиш мумкин бўлган маҳсулотларни олиш имконини беради. Кўп позициялик пресслардаги чуқур чўзишда кетма-кет операцияларда эскиртириш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларни бартараф этишга замин яратади.

Ишлаб қичариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг юқори даражаси ва тез ҳаракатланувчи автоматик қурилмаларни яратиш, мураккаб штампларни қўллаш эвазига кўплаб ва

ялпи ишлаб чиқаришда листли штамплар юқори самарадорликка эришилади. Листли штамплар жараёнини автоматлаштириш прессларда мутлоқ жараён хавфсизлигини таъминлайди, бир неча марта меҳнат унумдорлигини оширади. Заготовкани узатиш ва пресслардан бўшатиш қўл меҳнати орқали амалга оширилса пресслар 25-30%га ишлайдилар, айрим ҳолларда бундан ҳам камроқ. Ишни автоматлаштиришда прессларни иш жараёнлари коэффиценти 95% натижага эришилади (йўқотишлар штамплар алмаштирилганда, заготовкани пакетини ўрнатилганда кузатилади).[5][6]

Кўппозицияли пресс-автоматларни мутлоқ автоматлаштирилганда оқимли автоматлашган штамплар линиясини ташкил қилади.

Оқимли автомат линияларда штампларни лойиҳалаш нисбатан кўп меҳнат талаб қилади. Оқимли автомат линиялар учун штампларни лойиҳаланаётганда ҳар бир операциядаги ярим тайёр маҳсулотларни фазодаги ҳолати, фиксацияси ва штампдан бўшатиш, шунингдек автоматлаштирилган воситаларни иши ва узатишлари ҳисобланиши керак. Шунинг учун, таннархни ва меҳнат талабини камайтириш мақсадида штампларни лойиҳалаш жараёнини тезлаштириш ва соддалаштириш муаммолари жуда долзарб.[7]

Ҳозирги кунда штампларнинг қисмларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ёрдамида (АЛТ) лойиҳаланади. АЛТ ни қўллаганда лойиҳалаш жараёнини тезлаштириш ва соддалаштириш қуйидагиларни эвазига амалга ошади:

- Лойиҳалаш жараёнини максимал даражада визуаллаштириш;
- Типавой узел ва деталларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш;
- Штамп блоклари параметрлаштирилган моделларидан фойдаланиш;

- Штампланаётган деталларни конфигурацияси ўзгарганда штамп қисмларини автоматик тарзда ўзгариши;
- Муҳандиснинг йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларни олдини оладиган алгоритмларнинг мавжудлиги.

Параметрик моделлаштириш (параметрлаштириш) – моделлаштириш (лойиҳалаш) параметрлар элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Параметрлаш қисқа вақт ичида (параметрлари ўзгариши ёрдамида ёки ўзаро боғлиқлиги) турли конструкцияли моделлар ва принципиал хатоликлардан қочиш имконини беради.[8]

Параметрик моделлаштириш одатий 2 ўлчамли чизмадан ёки 3 ўлчамли моделлаштиришдан фарқ қилади. Муҳандис параметрик моделлаштириш ҳолатида объектларнинг математик моделини яратади, яъни ўзгаришда моделлар қайта куриладиган ва йиғишда ўзаро деталларни ҳаракатланадиган моделларнинг параметрлари ўрнатилади. Замонавий АЛТлар асосига параметрик моделларни яратиш ва фойдаланиш жойлаштирилган.

Штампларни лойиҳалаш учун энг кўп тарқалган АЛТ қуйидагилар ҳисобланади:[9]

- SolidWorks дастурий комплексининг Logopress маҳсуллаштирилган модули;
- CATIA дастурий комплексининг DieToolDesign иловаси;
- Siemens PLM Software дан NX дастурий комплекс маҳсуллаштирилган модуллари.
- NX тизими конструкторлик **“UZ –HANGWOO ENGINEERING” МЧЖ** корхонаси бўлимлари томонидан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Айтиш жоизки, оқимли автоматлаштирилган линиялар штампларини лойиҳалаш жараёнини тезлаштириш ва

содалаштириш учун айнан Siemens PLM Software дан NX дастурий комплексларидан фойдаланилмоқда.

Ишдан мақсад NX тизимидаги тезлаштирилган лойиҳалаш методи ҳисобига оқимли автомалаштирилган линияларнинг листли штамплаш штампларини лойиҳалаш жараёнини кўп меҳнат талаблигини камайтириш.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ҳозирги кунда заготовкларни штамплаб ишлаб чиқаришнинг машинасозлик ишлаб чиқаришидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Штамплаб ишлаб чиқариш машинасозликда заготовканинг кам чиқиндисиз ишлашини таъминлайди. Бу усул билан автомобилсозликда 50-60% гача, асбобсозликда 70-80% хилма-хил деталлар тайёрланади. Чунки бу усулда иш унумдорлигининг юқорилиги, аниқ шаклли ва ўлчамли, текис юзали деталлар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Штамплаш орқали ҳар ҳил шаклли юзаларни ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бу усулда ишлаб чиқарилган деталларни механик ишлов бермасдан ҳам фойдаланса бўлади.

Бундай ҳолат штамплаш прессларининг ишлаш муддати билан боғлиқдир. Ҳозирги замон машинасозлигида заготовкларни пресслаш машина автоматларида, автоматик линияларда тайёрланиб унда бутунлай инсон меҳнатини оғир ишлардан холис қилибгина қолмай ёрдамчи ишларни ҳамда бошқарув тизимлари ёрдамида бутунлай автоматлаштирилган жихозларда олиб борилиши масалалари ҳал қилиниш лозимдир.

Штамплаш жараёни жуда тез бажарилишини инобатга олсак, совуқ ҳолатда штамплаш прессларида меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг машинасозликни ривожлантириш учун маҳаллийлаштириш дастурини жорий этиш бўйича ишларни жадаллаштириш. Машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга

қойилаётган деталлар учун зарур бўладиган технологик ускуналарни замонавий технологиялар асосида лойихалаш ва таёрлаш.

Таклиф этилган мавзу ишлаб чиқариш корхонаси “UZ –HANGWOO ENGINEERING” МЧЖ учун ечилиши талаб этилаётган масалалардан бири ҳисобланади.


Корхонада штампларни тайёрлаш бир неча босқични ўз ичига олади. Хар бир босқич жуда муҳим аҳамиятга эга чунки, бир босқичда бўлган хатолик кейинги босқичга таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу эса ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг пасайишига, вақтнинг йўқотилишига, ишлаб чиқарилиши керак бўлган маҳсулот сонига салбий таъсир этмасдан қўймайди. Шу сабабли айтиб ўтилган ҳолатлардан қочиш учун бу муаммони илмий ечимини топиш керак бўлади.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, корхонадаги техник ва технологик муаммони, ҳамда ишлаб чиқариш шароитини ва илмий адабиётларга ёндашилган ҳолда муаммони ечимини ишлаб чиқиш ҳақиқатдан ҳам мавзуни долзарблигини асослаб беради.

Тадқиқот объекти.

Фарғона шаҳрида жойлашган “UZ – HANWWO ENGINEERING”ҚҚ МЧЖ” корхонаси

Тадқиқот предмети.



1-расм: Машина деталларини таёрлаш учун технологик ускуна

Мавзу вазифалари

1. Лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш.
2. Замонавий дастгоҳлардан фойдаланиш.
3. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун тайёргарлик вақтини қисқартиш.
4. Янги маҳсулот таёрлашда вақтида сарф-харажатларни қисқартириш.
5. Замонавий компьютер дастурларини жорий этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагидан иборат:

Диссертация лойиҳаси мақсади: NX тизимида тезлаштирилган лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш ҳисобига листли штампларни лойиҳалашда меҳнат хажмини камайтириш.

1. Тайёрланган штампланган деталнинг электрон моделини ва NX тизимида унинг тайёрланиш жараёнининг схемасини яратиш;
2. NX тизимида штамп блокининг параметрлаштирилган моделини яратиш;
3. NX тизимида деталларни маълумотлар базасини яратиш;
4. NX тизимида “Штампларни лойиҳалаш мастери” модулида танланган деталнинг бир дона технологик ўтиш учун штамп конструкциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Машинасозлик корхоналарида штамплаш йўли билан таёрланадиган машина деталлари учун мўлжалланган технологик ускуналарни ишлаб чиқишни тубдан янгिलाш янги дастурий таъминотни ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда технологик жихозлар паркини модернизация йўли билан чет элдан сотиб олинаётган қиммат технологик ускуналарни маҳаллий технологик ускуналар билан алмаштириш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи

Штампларни лойхалаш NX ва COMPAS программаларини ўрганиш учун Гончаров П.С., Ельцов М.Ю., Коршиков С.Б., Лаптев И.В., Осюк В.А. NX Данилов Ю.В., Артамонов В.А. Е.И. Семенова. М. 4. Краснов М.В., Чигишев Ю.В. Романовский В.П. Л.И. Рудмана. М.

Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи.

Ушбу тадқиқотдаги вазифаларни аниқлашда машинасозлик технологияси, аниқлик назарияси, назарий механика, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш асослари, кампютели лойхалаш, машинасозликда технологик ускуналарни лойхалаш фанларида тўпланган илмий методикалар асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти машинасозлик корхоналарида янги деталларга зарур бўлган штампларни аниқлаб уларни NX ва COMPAS программада яратиш.

Иш тузилмасининг тавсифи. Лойихаланган штампни геометрик параметрларини ишончлилигини ва мустахкамлигини илмий асосланган усуллари конструкторлар ва технологлар томонидан қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

I БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ.

1.1. Штампларнинг хизмат вазифаси, материаллари ва аниқлик талаблари

Металларни ҳажмий штамплашда фойдаланиладиган асбоб штамп дейилади. Буюмни босим билан штамп ёрдамида ишлаб, уни шаклини ўзгартириш операциясига штамплаш деб аталади.

Бу усул иш унумининг юқорилиги, маҳсулот ўлчамларининг аниқлиги, юза ғадир-будурлигининг камлиги, мураккаб шаклли маҳсулотлар олиш қулайлиги, юқори малакали ишчини талаб этмаслиги каби афзалликларга эга бўлиб, бир хилдаги маҳсулот тайёрлайдиган катта штамплаш цехларида кенг қўлланилади. Адабиётларда бажарилган ишларда кўрсатилганидек, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш тизими ёрдамида жиҳознинг лойихалаш учун сарфланган вақти t_0 ва ишдан чиқишлар параметрлари ω , шунингдек тайёргарлик коэффицентини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар бажарилган ишларда бузилмасдан ишлаш эҳтимоли $P(t)$ киймати ёрдамида жиҳознинг бузилмасдан ишлашини баҳолаш учун етарли маълумотлар келтирилган ва бу кўрсаткич ва унга яқин бўлган $\gamma(t)$ кўрсаткич жиҳознинг алохида элементларини ишончлилигини баҳолашда қўлланилиши мумкин.

Штампларни лойихалаш диссертациянинг кейинги бўлимларида жуда ҳам кенгроқ қилиб амалга оширилган. Бу кўрсаткичларни аниқлаш операциялардаги ҳисобларга эмас балки объектнинг лойихалаш ҳақидаги маълумотларнинг ишончли манбадан олиш йўллари ва имкониятларига боғлиқ.

Штамплар СКД Х12, Х12М, Х12Ф1, 5ХНВ, 5ХНМ, 5АТМ, 3Х2В9Ф ва бошқа юқори сифатли легирланган пўлатлардан тайёрланиб, тегишли термик ишловлардан ўтади

Х12 пўлатининг кимёвий таркиби, %

1-жадвал

C	Si	Mn	Ni	S	P	Cr	Mo	W	V	Ti	Cu
2 - 2.2	0.1 - 0.4	0.15 - 0.45	≤ 0.4 0	≤ 0.03 3	≤ 0.03 3	11.5 - 13	0.2	0.2	0.15	0.03	≤ 0.3

X12 материалынинг физик хоссаси,

2-жадвал

T, Град	E 10^{-5} , МПа	$\alpha 10^6$, 1/Град	λ , Вт/(м·град)	ρ , кг/м ³	C, Дж/(кг·град)	R 10^9 , Ом·м
20				7700		580
100		10.9				

X12 материалынинг критик нуқталари температураси,

3-жадвал

Критик нуқта	A _{c1}	A _{c3}	A _{r3}	A _{r1}	Mn
°C	810	835	770	755	180

X12 материалынинг қаттиқлиги,

4-жадвал

Термик ишлов бериш режими	HRC _o	HB
Тоблаш 970 С, бўшатиш 180 С.	62	255
Изотермик юмшатиш 830-850 С, совитиш тезлиги 40 град/с 720-740 С гача,		255
Қиздириш 650-700 С. Тоблаш 950-980 С., Бўшатиш 180-200 С	61-63	

Улар конструкциясига кўра очик ва ёпиқ турларга ажратилади. Штампни тузилиши ва шакли олинadиган заготовканикига ўхшаган қолип


бўлади. Очiq штампларнинг ажралиш текислигида поковка ташқи контури бўйлаб питр ариқчаси қилинади. Металларни штамплашда бу ариқчага ортиқча металл ўтади. Металлнинг питр ариқчасида тезроқ совиши бир томондан унинг қаршилигини ошириб, штамп бўшлиғини металл билан янада тўлишига кўмаклашса, иккинчидан штамп палла юзаларининг бирига урилишидан сақлайди. Питр ариқчасининг конструкцияси поковка материалига, шаклига, ўлчамларига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. Одатда питр массаси поковка массасининг 10-20 % ни ташкил этади.

Ёпиқ штампларда питр ариқчаси бўлмай, ажратиш юзалари мураккаб текисликлар бўйича ўтиб, улар ўзаро қулфланади. Шу сабабли бундай штампларда олинadиган поковка массаси заготовка массасига тенг бўлиши керак.

Машинасозлик ишлаб чиқариш цехларида поковкалар тайёрлашда қатор афзалликларга кўра (штамп конструкциясининг оддийлиги, аниқ массали заготовка талаб этилмаслиги) кўпроқ очиқ штамплардан кенг фойдаланилади. Штамплашда поковка чизмасини лойиҳалашда детал чизмаси асосида унинг шаклини иложи борица соддалаштириб, қўйим, қолдирма ва допуск қийматлари ҳисобга олинади. Кейин эса поковка чизмаси асосида штамп лойиҳаланади.



1.1-расм. Штамплаш дастгохи,



1.2-расм. Штамплаш схемаси:

а-очик штамплаш; б-ёпиқ штамплаш; 1,2-штамп паллари; 3-пир ариқчаси; 4-заготовка; 5-поковка;

Машинасозлик ишлаб чиқариш цехларида поковкалар тайёрлашда қатор афзалликларга кўра (штамп конструкциясининг оддийлиги, аниқ массали заготовка талаб этилмаслиги) кўпроқ очик штамплардан кенг фойдаланилади. Штамплашда поковка чизмасини лойиҳалашда детал чизмаси асосида унинг шаклини иложи борица соддалаштириб, кўйим, қолдирма ва допуск қийматлари ҳисобга олинади. Кейин эса поковка чизмаси асосида штамп лойиҳаланади. Бунда заготовканинг штамп бўшлиғига осонроқ ўтиши ва поковканинг ундан осон ажратилиши учун фарқларининг энг кичик бўлиши, ажралиш текислигининг оддий сирт бўйича бир юзадан иккинчи юзага ўтмас бурчак бўйича ўтиши, ёндош юза девор қалинликларининг кескин фарқ қилмаслиги ва ҳоказаларга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Технологик жараёнларни қисқартириш, унумдорликни ва тайёрлаш аниқлигини ошириш учун айрим штамплаш амаллари бирлаштирилади, яъни улар бир пайтнинг ўзида битта штампа бажарилади. Штамплашда бундай турли амалларни бирлаштириш, яъни комбинациялашган

штамплар юқори унумдор жараён ҳисобланади. Лист штампларининг штамплар аниқлиги ва усулига боғлиқ. Комбинациялашган штампларда аниқлик $\pm 0,02$ дан $0,08$ мм гача, кетма-кет штамплар билан штампларда $\pm 0,1$ дан $0,3$ мм гача ва алоҳида - алоҳида штамплар билан штампларда эса $0,3$ дан $0,5$ мм гача бўлади.

Штампларнинг ишлаши кўп жиҳатдан пуансон ва матрицаларнинг аниқлиги ва уларнинг ҳақиқий ўлчамларда лойҳаланиши билан аниқланади. Штампларда асосан унинг ишчи деталлари(пуансон ва матрица)нинг ишқаланувчи юзларига юқори аниқлик талаблари қўйилади. Нормал аниқликдаги штапларнинг матрицалари $0,01-0,05$ мм дан катта бўлмаган цилиндрсимонликдан, перпендикулярликдан четга чиқишга рухсат берилади. Сирт ғадир-будирлиги R_a бўйича $0,4\div 0,8$ бўлади. Нормал аниқликдаги штампларнинг пуансонлари $0,02$ мм орасида параллелликдан, ўқдошликдан четга чиқишга рухсат берилади. Сирти ғадир-будирликлари R_a $0,63\div 0,8$ бўлиши керак.

Юпқа рандалаш учун қўйим 1 мм атрофида қолдирилади ва $2-3$ ўтишда олинади. Охирги ўтишда кесим чуқурлиги $0,03-0,07$ мм, суриш тахминан кескичнинг кесувчи қирраси узунлигининг ярмига тенг, тез кесар кескичлар учун кесиш тезлиги $15-20$ м/мин ва қаттиқ қотишмали кескичлар учун $40-60$ м/мин, сирт ғадир-будирлиги тахминан R_a бўйича $1,25\div 2,5$ бўлади.

1.2. Машинасозлик корхонасида фойдаланилаётган штампларнинг иш унумдорлигини таҳлили

Енгил автомобиллар учун эшикларини мустаҳкамлигини оширувчи детал ишлаб чиқариш машинасозликда кўп меҳнат ва аниқ ҳисоб – китоблар орқали бажариладиган масъулиятли жараён бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сифат даражасининг юқори бўлиши ва албатта таннархининг арзон бўлиши каби талаблари бажарилишини ўз ичига олади.

Автомобилнинг эшиглари энг мухим ва ташқи кўринишини баҳоловчи қисмлардан бири бўлиб, унга ишлаб чиқариш жараёнида бир канча техник талаблар қўйилади ҳамда зарурий текширувлардан ўтказилади.

Хозирги кунда Фарғона вилоятида “UZ SUNGWOO”, “UZ HUNWOO” ҳамда “Евразия ТАПО-Диск” қўшма корхоналарида штамп ёрдамида автомобил деталларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу кунгача штамплар чет мамлакатлардан келтирилар эди. Энди эса штампларни корхоналарнинг ўзида тайёрланиб махсулот таннархини камайтириш имконини бермоқда. Корхоналарда штампларни мустахкамлигини ишлаб чиқарилган деталлар сонига қараб аниқланиши мумкин.

Штампни ўрнатилганда тўхтамасдан ишлашини ва ресурсини аниқлаш.

Ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши T_6 ва штампни умумий ресурси T_p ни аниқлаш қуйидаги формуладан топилади:

$$T_6 = C_6 * K_T * K_P * K_M * K_K * n ; (1)$$

$$T_p = C_p * K_T * K_P * K_M * K_K * n ; (2)$$

Бу ерда, C_6 - номинал ишлаши, минг дет,

C_p - номинал ресурси, минг дет,

K_T – штамплаш материалени қалинлигини ҳисобга олувчи коэффициент,

K_P - штамплаш материалени мустахкамлигини ҳисобга олувчи коэффициент,

K_M – штампни ишчи қисмини материалени ҳисобга олувчи коэффициент,

K_K – штампни конструкциясини хусусиятини ҳисобга олувчи коэффициент,

n – штамплаш деталени бир вақтдаги сони

1. Тешадиган ва кесадиган штамплар учун ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши ва умумий ресурси қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} T_{\text{б}} &= C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n \\ &= 24000 * 0.6 * 1,0 * 1.25 * 0.8 * 1 \\ &= 24000 * 0.6 * 1 = 14400 \text{ та} \end{aligned}$$

$$T_{\text{п}} = C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n = 321000 * 0.6 = 19260 \text{ та}$$

2. Кесадиган штамп учун ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши ва умумий ресурси қуйидагича аниқланади:

$$T_{\text{б}} = C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n = 27000 * 0.6 = 16200 \text{ та}$$

$$T_{\text{п}} = C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n = 375000 * 0.6 = 225000 \text{ та}$$

3. Шакл берадиган штамп учун ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши ва умумий ресурси қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} T_{\text{б}} &= C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n \\ &= 24000 * 0.6 * 1,0 * 1.25 * 0.8 * 1 \\ &= 24000 * 0.6 * 1 = 14400 \text{ та} \end{aligned}$$

$$T_{\text{п}} = C_{\text{б}} * K_{\text{т}} * K_{\text{п}} * K_{\text{м}} * K_{\text{к}} * n = 321000 * 0.6 = 192600 \text{ та}$$

Штампни ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши ва ресурси, 6-жадвал

Штамп типи	Номинал Ишлаши $C_{\text{б}}$, минг дет	Номинал Ресурс $C_{\text{р}}$, минг дет	Ўрнатилганда тўхтамасдан ишлаши $C_{\text{б}}$, минг дет	Умумий ресурси $C_{\text{р}}$, минг дет
Тешадиган кесадиган, шакл берадиган	24	321	14.4	19.26
Чўзадиган	27	375	16.2	22.5

1.3 Штампларни лойиҳалашнинг мавжуд бўлган методларини анализ қилиш

Бу бўлимда таҳлиллар асосида лойиҳалашнинг иккита усули кўриб чиқилган: анъанавий ва автоматлаштирилган. Ўз навбатида автоматлаштирилган лойиҳалаш икки турга бўлинади:

- Анъанавий амтоматлаштирилган лойиҳалаш;
- Мастер жараёнларни қўллаган ҳолда автоматлаштирилган лойиҳалаш.

Анъанавий лойиҳалашда маълум қоидалар мавжуд. Қоидалар маълум даражада конструктор – муҳандис малакасига, яъни математик кўрсата олмайдиган ёки нисбий ҳисобга олинмайдиган ҳолларда малакага қараб асосланади. [10]

Асосий қоидалар:

1. Заготовкadan штамп плиталарига қадар босқичма босқич яратиш.
2. Муқобиллаштириш мақсадида кетма-кет иш босқичини қайтариш билан ўзаро боғлаш.

Одатий воситалар билан штамплар қисмларини босқичларга бўлиш мумкин:[11]

1. Лойиҳалашга топшириқ олиш:
 - Детал номи ва рақамлари;
 - Заготовка ва яримтайёр маҳсулот чизмаси;
 - Операция номланиши;
 - Материал маркаси ва қалинлиги;
 - Фойдаланиладиган жиҳоз номи.
2. Штампнинг ёпиқ баландлигини аниқлаш.
3. Штампда заготовкани муқобил ҳолатини ва унинг жойлашув баландлигини танлаш.
4. Заготовкани пландаги тепа, пастки ва кесимини чизиб олиш.

5. Ишчи қисм типларини, уларнинг габарит ўлчамларини, маҳкамланиш усулларини танлаш. Ишчи қисмларини расмини чизиб олиш.
6. Фиксация қилиш элементлари ва типларини, уларнинг ҳолатини танлаш.
7. Қисишлар ва ечувчиларни танлаш ва расмини чизиб олиш.
8. Эгилувчан элементларни танлаш ва расмини чизиш.
9. Йўналтириш элементларини танлаш.
- 10.Штамплаш плиталарини расмини чизиб олиш.
- 11.Штампни маҳкамлаш, ташиш элементларини танлаш ва расмини чизиб олиш.
- 12.Чизмага ўлчовларни киритиш.
- 13.Чизмани тасдиқлатиш.

Материал манбаси сифатида штампнинг конструкторлик элементларини муқобил танлаш жараёнини мураккаблаштирадиган маълумотларни қоғозлик ташувчиларда сақланадиган конструкторлик хужжатларининг маълумотлар базасидан фойдаланилади. Қарорлар кўп вариантли бўлиши мумкин ва улар малакадан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Автоматлаштирилмаган анъанавий лойиҳалаш:

- Қўл орқали;
- 2 ўлчамлик дастурларнинг чизмаларидан фойдаланилган ҳолда.

Ушбу ҳолатда штампларни лойиҳалашнинг тезкор услуби мавжуд:

- Элементларни типавий конструкцияларидан фойдаланиш;
- Детал контури, чизиқлар ва асбоб контури киритиладиган штампларнинг яримтайёр чизилган бланкалардан фойдаланиб;
- Штампларнинг типавий блокларидан фойдаланиб.

Автоматлаштирилмаган анъанавий лойиҳалашда 2D дастурининг чизмаларидан фойдаланиб юқоридаги усуллари бирлашиб ва сезиларли даражада самарали ишлайди.

Автоматлаштирилмаган анъанавий лойиҳалашнинг камчиликлари:

1. Кўринишнинг етарли эмаслиги.
2. Модификациялашга сарфланадиган вақт.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш деб турли босқичларда ИЧАТ (ишлаб чиқаришни автоматлаштириш тизимлари)дан фойдаланиб лойиҳалаш тушунилади. Автоматлаштирилган лойиҳалашнинг ноавтоматлаштирилган лойиҳалашдан фарқи физик моделлаштиришни математик моделлаштириш билан алмаштириш имконияти ҳисобланади.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш ҳақида гапирилар экан, унинг икки типга бўлиш лозим: анъанавий автоматлаштирилган ва мастер-жараёнлардан фойдаланиб лойиҳалаш.

Анъанавий автоматлаштирилган лойиҳалашнинг алгоритми: [12]

1. Лойиҳалашга топшириқ олиш:
 - Заготовка ва яримтайёр маҳсулотнинг электрон модели;
 - Операция номи;
 - Материалнинг маркаси ва қалинлиги;
 - Фойдаланиладиган жиҳоз номи.
2. Заготовканинг штампдаги муқобил ҳолати.
3. Штамп йиғиш электрон файлини яратиш.
4. Штамп блоки йиғишини танлаш ва қўшиш.
5. Узел йўналиши ва уларнинг маҳкамланишининг йиғилишини танлаш ва қўшиш.
6. Ташиш элементлари ва уларнинг маҳкамланишининг йиғилишини танлаш ва қўшиш.
7. Ишчи асбоб ва унинг маҳкамланишининг йиғилишини кутубхоадан танлаш ва қўшиш, (кутубхоа мавжудлигида) ёки деталнинг электрон модели асосида уни яратиш.
8. Фиксация қилиш элементларининг тип ва формаларининг йиғилишини танлаш ва қўшиш.

9. Қисишлар ва ечувчиларнинг йиғилишини танлаш ва қўшиш, габарит ўлчамларини созлаш.
- 10.Эгилувчан элементларнинг йиғилишини кутубхоадан танлаш ва қўшиш.
- 11.Чекловчиларнинг йиғилишини танлаш ва қўшиш.
- 12.Штамп чизмасини тайёрлаш.
- 13.Чизмани тасдиқлатиш.

Ушбу усул билан штампларни лойиҳалашнинг муҳим қисми штамп блоклари ва деталларнинг улкан маълумотлар базасининг мавжудлиги.

Анъанавий автоматлаштирилган лойиҳалашга ИЧАТ мисол тариқасида миллий тизим “Компас – Штамп” хизмат қилиши мумкин: параметрлаштирилган деталлар базасидан стандарт ва стандартлаштирилган деталларининг қисмлари танланишини автоматлаштириш амалга оширилди(меъёрий маълумот билан таъминлаш). Конструкторлик қарорлар қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш мавжуд эмас ва чекланган ҳолда лойиҳалаш дарахти кўринишида фиксация қилинади. Маҳсулотни ривожлантириш ва қисмни кесиш ҳаритасини оптималлаштириш автоматлаштирилган жараёнлари мавжуд эмас. Содда ҳисоблар бажарилиши имкони кўриб чиқилган (штампнинг боисм марказини аниқлаш).

“Компас – штамп” тизими қуйидаги натижаларга эришиш имконини берувчи “ТП ВЕРТИКАЛЬ” иловаси билан тўлдирилиши мумки:

- Технологик лойиҳалаш тезлигини ўсиши;
- Технологик хужжатларнинг сифатини кўтарилиши;
- Ишлаб чиқаришга технологик тайёргарлик муддатларини қисқариши;
- Маҳсулот тайёрланиш таннархини тезкор баҳо бериш;
- Тасдиқланган меъёрий меҳнат ва метариал сарфлардан фойдаланиш.

Бироқ ушбу илова штампларни лойиҳалашни автоматлаштиришга эмас кўпроқ технологик ҳужжатларни тайёрлашни тезлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунга келиб штамп қисмларини яратишда энг сўнгги ва муқобил восита бу мастер – жараёнлар ва маҳсус дастурий таъминот модуллари билан ишлаш ҳисобланади. [13]

Автоматлаштирилган лойиҳалашнинг асосий вазифалари:

1. Маълумотлар базасидан танлаш, ажратиш вазифаси.
2. Формула бўйича ҳисоблаш вазифаси.
3. Геометрик вазифалар.

Кўплаб АИЧТ (автоматлаштирилган ишлаб чиқариш тизимлари) штампларни ишлаб чиқиш учун кетма–кет ҳаракатли пакетлар ва дастур модулларига эга.

Ушбу модуллар ёрдамида иш қилиш фаол майдонларнинг параметрлари унинг мавжуд қисмларини тўлдириш ёки таҳрир қилиш ҳисобига бериладиган аниқ компонентлардан ташкил топган штампнинг шаклланишига олиб келади. Муҳандис – конструктор прототипларнинг кутубхоаси билан ишлаётганда турли фирмалар каталоги асосида шаклланган типавий компонентлар жадвалидан конструктив деталлар ва элементларни танлаш имкониятига эга бўлади. Мастер жараёнларда қўлланиладиган қатъий алгоритмлар маълум маҳсуслаштирилган корхонларда фойдаланиладиган автомалаштириш ва механизациялаштириш воситалари бўлган жиҳозларга мўлжал қилинган. Фойдаланувчи ва дастур ўртасидаги диалог ушбу компаниялар лойиҳалаш маданиятига мос тарзда яратилган.

АИЧТ сифатида мураккаб штампларни Logopress лойиҳалашга йўл қўядиган листли штамплаш операциялари бўлган ажартувчи амаллар (қирқиш, тешиш)ни ва шакллантирувчи амаллар (букиш, чўзиш)ни бажарадиган маҳсуслаштирилган модул штампларни моделлаштириш учун қўлланиладиган SolidWorks дастурий мажмуаси намоён бўлади. Logopress таркибига бир бирини тўлдирадиган кетма-кет учта модул киради:

разверткаларни куриш, шатмпнинг ишчи худудини шакллантириш, шатмпни фазовий компоновкаси. Ушбу модулдан муҳандис – конструктор фойдаланаётганда шатмпларни ишлаб чиқишнинг тайёр алгоритмидан, лойиҳалашнинг махсус асбоблари, шунингдек турли фирмаларнинг каталогидан бўлган стандарт компонентлар кутубхоасидан фойдаланади. Logopress етказиб берилаётган материаллар кутубхоасини ўзгартириш имконини беради. Шатмплар қисмларини конструкциялаётганда Logopressдан фойдаланиш конструкторга шатмплар операцияларини компоновка қилиш, заготовкани лойиҳалаш билан боғлиқ хатоликлардан қочиш, шунингдек шатмпни лойиҳалашга сарф бўлган вақтни бир баробаргача қисқартириш, ҳисоб китоблар ва детал разверткасининг моделини тайёрлаш имконини беради.[13]

CATIA дастурий таъминотининг DieToolDesign иловаси аниқ бир тасма учун шатмпни лойиҳалаш имконини беради. Илова шатмпни яратиш ва таҳрир қилиш воситаларини, шунингдек қирқиш пуансонларни лойиҳалаш воситаларини ўз ичига олади. DieToolDesignда пуансонларни, ушлагичларни, плунжерларни, пружиналарни ва бошқа шатмп компонентларини яратишга имкон берадиган стандарт компонентлар каталоглари билан ишлаш имкони мавжуд.[13]

Шатмпларни лойиҳалаш учун кенг қўлланиладиган дастурий мажмуалардан бири Siemens PLM Softwareдан NX тизими ҳисобланади. Ушбу дастурий мажмуанинг 9.0 версиясида Шатмпларни лойиҳалаш учун бир нечта махсуслаштирилган иловалар мавжуд:

- Тугалланган 3D деталда текис полоса ҳосил қилиб шатмпларни кетма–кет ҳаракатда лойиҳалаш учун асбобларни намоён қиладиган “Лойиҳалаш мастери ШПД” иловаси;
- Шатмпларни лойиҳалаш ва шатмпнинг ишчи жараёни учун асбобларни ўз ичига оладиган “Шатмпларни лойиҳалаш” иловаси;
- Шатмп элементларини лойиҳалаш учун асбобларни намоён этадиган “Шатмп элементларини лойиҳалаш” иловаси;

- “Штамп элементларини лойиҳалаш” иловаси асосида штампларнинг силжишида симуляция қилиш учун асбобларни ўз ичига олган “Штампни назорат қилиш” иловаси;
- Тўлиқ ҳажмли деталларда текис заготовка ҳосил қиладиган яхлит штамплар, йиғма штамплар, автомобил штамплар ва кетма кет ҳаракатлар штамплари учун асбоблари мавжуд бўлган “штампларни лойиҳалаш мастери” иловаси.

“Штампларни лойиҳалаш мастери” иловасида битта ойнада штамплашнинг бутун жараёни учун штампни лойиҳалаш имконини беради, ўз навбатида оқимли автомат линияларда штампларни лойиҳалаш учун NX тизимининг бошқа иловаларига тушади.

Листли штамплаш ЛАТ жараёнлари бозорида катта миқдорда дастурий маҳсулотлар келтирилган. Уларнинг ҳар бири лойиҳалаш жараёнини тезлаштириш ва меҳнатни қисқартириш имконини берадиган ўзининг асбоблари ва муҳим томонларига эга.

Листли штамплаш ИЧАТ жараёнларини катта бўлмаган бир қатор белгилари бўйича синфланади:

- 1) Модел функциялари қаторини ёритиш имкони;
- 2) Мастер жараёнлар мавжудлиги;
- 3) Лойиҳалаш ишлари ҳажми ва ташкилот даражаси;

Кўрсатиб ўтилган белгилар ЛАТни кўп шаклларини батафсил ёритишга етарли эмас. Кўп позициялик штамплаш автоматлаштирилган лойиҳалаш иловаларида ҳисобга олиниши лозим бўлган қатор муҳим томонларига эга.

ЛАТнинг кўп позициялик штамплашга мосланувчанлик хусусиятлари:

1. Технологик моделни таҳлил қилиш имкони.
2. Листли заготовка дастлабки шаклини ҳисоблаш имкони.
3. Мухсушлаштирилган операциялар ёрдамида штамплаш ўтишларини куриш имкони.

4. Лойиҳалашда букиш ва фланецлаш операциясида қирқимни олиш имкони.
5. Чўзиш ўтишларини қуриш имкони.
6. САЕ – модулини мавжудлиги.
7. Листли металлдан тайёрланган моделлар билан ишлаш имкони.
8. Штамплаш технологик ўтишлар кетма кетлигини шакллантириш имкони.
9. Параметрлар ва жиҳозлар хусусиятларини белгилаш имкони.
10. Стандарт материаллар кутубхона базасининг мавжудлиги ва уни тўлдириш имконияти.
11. Чўзиш ўтишининг геометрияси асосида штампнинг ишчи қисмларини қуриш имкони.
12. Маҳсус операциялар ёрдамида штамп деталларини қуриш имкони.
13. Штампнинг стандарт детал ва узеллар кутубхонасининг мавжудлиги ва уни тўлдириш имконияти.
14. Модел геометрияси ёки унинг ўтишлари асосида стандарт деталларни лойиҳалаш имкони.
15. Маълум жиҳозлар учун штампларнинг стандарт пакетлари (блоклар) кутубхоасининг мавжудлиги ва уни тўлдириш имконияти.
16. Пакет (блок) асосида штамп қуриш имкони.
17. Чизма яратиш имконияти.
18. Спецификация тузиш имконияти.
19. Кинематик операция ўтказиш имкони.

IBM SPSS Statistics дастурий маҳсулот ёрдамида омиллик таҳлилининг муҳим компоненти методи билан олиб бориладиган чуқур тадқиқотлар ўтказилгандан кейин АЛТнинг қуйидаги 5 та асосий типларига ажратиш мумкин:[14][15]

1. Маҳсулотни АЛТ ва штамплаш ўтишларни қуриш. Ушбу АЛТ якуний элементлар методидаги штамплаш жараёнининг Муҳандислик таҳлили топшириқларини ечиш учун асбобларнинг кенг спекторига эга. Хусусан,

улар маҳсулот геометрияси ёки яримтайёр маҳсулот асосида заготовка генерацияси учун асбобларга эга. Бироқ, АЛТнинг бундай типларида конструкторлик топшириқларни ечиш имкони мавжуд эмас. Иловаларда якуний чўзиш геометриясидан узоқлашиб оралиқ чўзиш ўтишларини куриш имкони йўқ. Бу каби тизимлар кетма-кет ва кўппозиционлик штамплash жараёнларини лойиҳалаш учун қўлланилади. Чўзиш ўтишларини яратиш учун тўлдириш имконияти, технологик жараённинг шаблонлар компоновкаси ва жиҳозлар, асбоблар материаллари маълумотлар базаси мавжудлиги таъкидлаб ўтилади.

2. Технологик жараён АЛТ. Ушбу АЛТ чўзиш ўтишларини куриш ва технологик жараён параметрларини бериш учун қўлланилади. Пресснинг штампларо муҳити, штамплash босими, автоматлаштириш воситаси параметрлари, штамплash ўтишларининг кетма-кетлиги каби параметрларини бериш ёрдамида штамплash операциялари ёки полосанинг параметрларини моделлаштириш имкониятини беради. Юқорида кўрсатиб ўтилган параметрлар автоматлаштирилган ҳисоб генерацияси учун қўлланилади. Кетма-кет штамплash методи билан ишлаб чиқариладиган думалоқ деталлар ўтишларини куриш учун модуллар мавжуд. Илова типавий узел ва деталларнинг маълумотлар базасига эга эмас. Қатор функциялар учун мастер жараёнлар яратилган, масалан, полоса куриш учун. Бироқ, кўппозиционлик штамплash учун ўтишларни яратиш мастер жараёнлар мавжуд эмас. Технологик жараён АЛТи жиҳозга параметрларни бериш, штампнинг ишчи қисмлари ҳаракатининг йўналиши, технологик жараён шаблонларини компоновка қилиш имконияти мавжуд бўлган материаллар кутубхонасига эга.
3. Жиҳоз АЛТи. Ушбу АЛТда штамплар ва уларнинг узелларини куриш функциялари намоён бўлади. Уларда штампнинг ишчи қисмларини яратишнинг бир нечта усуллари мавжуд. Шунингдек, ушбу гуруҳга штамплар учун стандарт деталлар ва узеллар каталоглари мансуб. Кўпроқ ушбу иловалар АЛТ бошқа ишлаб чиқувчиларнинг

тизимларини тўлдиради. Кетма-кет штамплаш жараёниларини лойиҳалаш учун штамплар пакети тақдим этилган. Бироқ, кўппозицияли штамплаш учун типавий пакетлар йўқ.

4. Маҳсулот геометриясини АЛТ, чўзиш ўтишларини қуриш, технологик жараёнларни ва жихозларни лойиҳалаш. Ушбу АЛТ технологик жараён ва жихозларни лойиҳалашнинг тўлиқ терилган функцияларни ўз ичига олади. Уларда шунингдек штампнинг баъзи деталларини лойиҳалаш учун иловалар мавжуд. АЛТнинг ушбу типи стандарт деталлар ва узеллар пакет шаблонлари, шунингдек, ишчи қисмларни моделлаштиришнинг турли воситалари кутубхоаси мавжуд. Кўриб чиқилган АЛТда типавий штамплар, шунингдек қирқиш штампларини лойиҳалаш учун махсус асбоблар йўқ. АЛТнинг ушбу типига кўпўтишлик чўзишни моделлаштириш имконияти тўлиқ амалга оширилмаган. САЕ – модулини қўллаш бир қадамли таҳлил ва заготовка генерацияси билан чегараланган. Аксарият функциялар учун локал мастер-жараёнлар мавжуд. Кинематикани моделлаштириш учун буйруқлар (командалар) мавжуд: чиқинди йўқотилиши, автоматлаштирилиши, операциялар бўйича чўзиш ўтишини силжиши, грейфер мосламаларининг ҳаракати, штампларни очилиш ва ёпилишга текшириш. Бундан олдинги айтиб ўтилган АЛТ маълумотлар базасидан ташқари АЛТнинг ушбу типига стандарт штамп блоклар ва узеллар маълумотлар базаси мавжуд.
5. Ёрдамчи операциялар АЛТи ва технологик жараёнлар параметрлар созуламалари. Ушбу АЛТлари технологик жараёнлар созуламалари (кенглик ва материал тасма), бир дона маҳсулот таннархини ҳисоблаш, жихозни ҳусусиятини бериш ва кўплаб бошқа хил фарқлари билан ажралиб туради. Ушбу АЛТ типига ҳеч қандай умумий белгига эга бўлмаган турли ёрдамчи иловалар киради.


Кўп позицияли штампларнинг жихозини қуриш ва технологик жараёнларни лойиҳалаш учун замонавий АЛТлар технологик

жараёнларни ишлаб чиқиш усули, мастер-жараёнларни ва жихозини ўзига олдиға, параметрлаштириш, типавий узел ва деталларнинг маълумотлар базасини яратиш имконияти, лойиҳалаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиришга йўл қўядиган иловаларни яратишга йўналтирилган.

II БОБ ТАДҚИҚОТ МЕТОДИКАСИ ВА ИШНИНГ АМАЛИЙ ҚИСМИ.

2.1 “Енгил автомобил орқа эшикнинг пастки ўнг/чап панеллар бирлаштиргичи” деталининг тайёрланиш технологик жараёни 96846284_004 UNE деталининг электрон моделини “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” ва “Штампларни лойиҳалаш ” иловасида уларнинг технологик ўтишлар схемасини яратиш

Автоматлаштирилган линиялар учун штампларни тезкор лойиҳалаш методини ишлаб чиқиш 96846284_004 UNE“ Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали учун штампларни ишлаб чиқиш мисолида амалга оширилади (2.1-расм).



2.1-расм 96846284_004 UNE“Орқа эшикнинг пастки ўнг панеллар бирлаштиргичи” детали

96846284_004 UNE“Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали қалинлиги 0.8 мм бўлган Сталь 45 СКД-11 пўлатидан тайёрланади.


Орқа эшик ўнг ва чап пастки панеллар бирлаштиргичи симметрик акс кўринишли ҳисобланади, шунинг учун уларнинг тайёрланишида штампланинг жуфтланган технологияси қўлланилади.

Штампланинг жуфтланган технологияси қуйидагиларга имкон беради:[16]

- Ҳар иккала акс кўринишли детални бир комплект штамп қисмидада тайёрлаш;
- Ишлаб чиқаришни енгиллаштириш
- Штамп қисминини лойиҳалаш сарфини камайтириш;
- Меҳнат унумдорлигини оширади;
- Металлдан фойдаланиш коэффициентини оширади.


“Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” деталини тайёрлашда технологик жараён олти та операциядан иборат:

1. Заготовкларни кесиш. Ушбу операцияда рулондан кесиб олиш амалга оширилади (2.2-расм).




2.2-расм “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали учун дастлабки яримтайёр маҳсулот (дастлабки заготовка)

2. Чўзиш. Ушбу операцияда иккита симметрик деталларни чўзиш амалга оширилади. Бу ерда детал шакллантирилади (2.3-расм).




2.3-расм “Чўзиш” операциясидан кейинги ҳолат “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали тайёрланиши учун яримтайёр маҳсулот.

3. Биринчи кесиш ва тешиш. Ушбу операцияда чўзишдан ҳосил бўлган яримтайёр маҳсулотни кесиш амалга оширилади, шунингдек навбатдаги операциялар учун позицияланишда тутиб турувчи диаметри 6 мм бўлган иккита технологик тешик очилади (2.4-расм).




2.4-расм “1 – кесиш” операциясидан кейинги ҳолат “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали тайёрланиши учун яримтайёр маҳсулот.

4. Иккинчи кесиш. Ушбу операцияда бўлажак деталл контури бўйлаб иккинчи кесиш амалга оширилади (2.5-расм).




2.5-расм “2-кесиш” операциясидан кейинги ҳолат “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали тайёрланиши учун яримтайёр маҳсулот.

5. Тўғрилаш (правка). Ушбу операцияда яриматайёр маҳсулотда тўғрилаш операцияси амалга оширилади, бўлажак деталларнинг охирги шакли яратилади (2.6-расм).



2.6-расм Тўғрилаш операциясидан кейинги ҳолат “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали тайёрланиши учун яримтайёр маҳсулот.

6. Кесиш ва қирқиш. Ушбу операцияда яримтайёр маҳсулотнинг бир вақтда иккита тайёр маҳсулотга ажратилади, шунингдек ҳар бир тайёр маҳсулотнинг ён қисмида тешиklar очилиши (2.7-расм).




2.7-расм “кесиш ва тешик очиш” операциясидан кейинги ҳолат “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали

Штамплашнинг кучлари энергиясини аниқлашда маълум ҳар бир операция учун зарурий юклама ва ишларни аниқлаш ҳисобланади. Кўп позициялик пресс автоматлар қўлланилаганда ушбу Дастгоҳда операция учун юклама ва ишни йиғиндисини аниқлаш зарур.

2.2 “Заготовкани кесиш” операциясининг параметрлари ҳисоби.

Ушбу операцияда бир хил трапециясимон заготовкани тасмадан чиқиндисиз кесиш амалга оширилади (2.8-расм). тасма кенглиги заготовка узунлигига мутаносиб. Бурилувчи пичоқли кесувчи пресс қўлланилади. Ўз навбатида кесиш контури узунлиги 373 мм бўлган тўғри чизиқни ташкил қилади (ушбу ўлчов 20 – моделлаштиришда аниқланган).



2.8-расм “Орқа эшикнинг пастки ўнг ва чап панеллар бирлаштиргичи” детали учун заготовка ўлчови

Контур бўйича кесиш юкламаси:

$$P = K \cdot L \cdot S \cdot a_{\text{ср}} = 1,2 \cdot 373 \cdot 0,8 \cdot 29 = 10384 \text{ кгс} = 104 \text{ кН}$$

$$L = 372,63 \text{ мм};$$

$a_{\text{ср}} = 29 \text{ кгс/мм}^2$ – кесиш қаршилиги;

$S = 0,8 \text{ мм}$ – материал қалинлиги;

$K=1,2$ -коэффициент.

Қисил юкламаси

$$P_{\text{пр}} = k_{\text{пр}} \cdot P \cdot n,$$

Бу ерда;

$$k_{\text{пр}} = 0,1,$$

$n = 1$ – кесиш чизиғи миқдори;

$$P_{\text{пр}} = 0,1 \cdot 10384 \cdot 1 = 1038 \text{ кгс} = 10,4 \text{ кН}$$

Кесиш кучи йиғиндиси:

$$P_{\Sigma} = P + P_{\text{пр}},$$

$$P_{(\text{оп1})} = 10384 + 1038 = 11422 \text{ кгс} = 114,2 \text{ кН}$$

Иш қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$A = x \frac{PS}{1000}$$

бу ерда $x - x = \frac{P_{\text{ср}}}{P}$ ($P_{\text{ср}}$ қирқишнинг ўртача босими), нисбатидан

аниқланган коэффициент 7 [1] жадвалдан танланмиз;

$$x = 0,7 \dots 0,65;$$

P – ушбу операция юкламаси (босими) $P = 11422 \text{ кгс}$.

$$A_{(\text{оп1})} = 0,7 \cdot \frac{11422 \cdot 0,8}{1000} = 6,4 (\text{кгс} \cdot \text{м}) = 0,64 \text{ кДж}$$

2.2.2 «Чўзиш» операцияси энергокучлар параметрларини ҳисоблаш

Чўзиш юкламаси маҳсулот туби атрофида ён деворларининг узилиши учун чўзишнинг мумкин бўлган энг юқори юкламаси зарурийлигидан оз бўлиши керак деган шартдан ҳисобланади. [1]:

$$P \leq L \cdot S \cdot \sigma_p$$

P – чўзиш юкламаси;

L - маҳсулот периметри; $L=938 \text{ мм}$;

σ_p - парчаловчи кучланиш;

$$\sigma_p = (1,1 \dots 1,2) \cdot \sigma_b$$

σ_b - мустаҳкамлик чегараси;

$$\sigma_b = 34 \text{ кгс/мм}^2 = 340 \text{ МПа};$$

$$P \leq 938 \cdot 0,8 \cdot 34 \cdot 1,2 = 30616 \text{ кгс} = 306 \text{ кН}$$

Қисиш юкламаси:

